

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ МЕРОСИ - ЯНГИ КУН ҲОСИЛАСИ

*Узоқова Л.П. – БухМТИ, “Технологиялар ва жиҳозлар” кафедраси доценти
Джўраева М.И. – “Технологиялар ва жиҳозлар” кафедраси ассистенти*

«Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади».

Абу Али ибн Сино

Абу Наср Фаробий ўзининг “Бахт саодатга эришув” номли асарида таълим-тарбия бериш усулини икки турга бўлади: рағбатлантириш ва жазолаш (мажбур қилиш). У мазкур усуллари изохлар экан, ўқитувчининг педагогик маҳоратига ҳам тўхталиб ўтади: “Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади. Мана шундан маълум бўладики, ҳукумат ва муаллим ҳар иккови ўз йўлида, болалар ёки халққа тарбия берувчилар, устод ва муаллимлардир. Улардан бири болаларга меҳрибонлик ва яхши сўзлар билан тарбия берса, иккинчиси мажбурий равишда тарбиялайди”.



Ёш авлодимизни ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросини чуқур ўрганиш билан бирга умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш йўлида тарбиялаш масаласини ўзимиз учун устувор вазифа қилиб олганмиз. Чунки эртага ўрнимизни босадиган ўғил-қизларимиз айнан ана шундай озикланган заминда вояга етган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянчимиз ва суюнчимизга, енгилмас маънавий кучга

айланади, жаҳон майдонларида ҳар қандай синовларга тайёр тура олади. Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишдан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг таракқиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, ўз эътиқодига, ўзлигига, ҳаётда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиши ва бунинг учун тарбия олиши керак бўлади. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакаларини кичик авлодга беради. Бу эса тарбия деб аталадиган инсоннинг шаклланишида, ривожланишида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилади. Жамият ривожланган сари баркамол, етук шахсларни етиштириш ҳам ортиб ҳамда ўзгариб боради. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият, тарбиявий жараён мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳам тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш, ҳамда олдин тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, инсоният ҳаётидаги буюк ўзгаришларни, жамиятни ривожланишини, фаровон турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин. Буюк аллома А.Авлоний таъкидлаганларидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”.

Ҳақиқатдан ҳам инсон ҳаётини саодатга, соф инсоний фаолиятга эришишда тарбиянинг роли ниҳоятда муҳим. Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат, уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади. Бунинг учун аввало миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.